

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясида Татаристон касаб ва уюшмалари Федерацияси делегацияси билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланмоқда



Унда меҳмонларга Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ёшларни касаб ва уюшмаларига жалб этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги тизимли тадбирлар, мамлакатимизда юритилаётган ички ижтимоий сиёсат, кенг қўламли ислохотлар, санатор-курортлар фаолияти ҳамда бошқа ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Касаб ва уюшмаларининг ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасидаги фаолиятини кучайтиришга йўналтирилган ишлар ва шу мақсадда жамоа муокаралари ҳамда жамоа-шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан муфассал сўз юритилди.

Мулоқот чоғида икки давлат касаб ва уюшмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, тармоқ ва ҳудудий касаб ва уюшма ташкилотлари ўртасида амалий ҳамкорлик ва тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Татаристон касаб ва уюшмалари Федерацияси раиси Елена Кузьмичева ушбу учрашувда суз ва туризмни ривожлантириш, санатор-курортлар фаолиятини яхшилаш бўйича тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Делегация аъзолари Ўзбекистон касаб ва уюшмалари тасарруфидаги «Косон-сой», «Чинобод», «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийлари фаолияти билан танишишди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ, «ISHONCH»

Учрашув

Касаб ва уюшмалари – тиббиёт ходимларига



Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан «Касаб ва уюшмалари – тиббиёт ходимларига» шиори остида барча вилоятлар тиббиёт муассасаларидан 50 нафар ходимга «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма берилган эди.

Кўни кеча Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаева, Санатор-курортлар бошқармаси маданий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Гулноза Тошпўлатова санаторийда соғломлаштирилаётган тиббиёт ходимлари билан учрашди.

Шифокорларга қаратилаётган эътибор бугун ҳар қачонгидан кўра яхшироқ, – деди «Умид гулшани» санаторийси директори Акмал Йўлдошев. – Шифокорларнинг давлат мукофотлари билан тақдирланиши, иш ҳақларининг ошиши, даволашни учун бепул йўлланмалар бери-

лиши каби ишлар меҳнатимиз қадр топаётганидан далolat.

– Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз, – деди Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Нарғиза Назарова.

– Мана шундай масканда саломатлигини тиклашмиш учун йўлланмалар ажратилгани, ҳолимиздан бохабар бўлиб туришига учун Касаб ва уюшмалари Федерацияси ва барча масъулларга катта раҳмат айтишимиз.

Тадбирда саломатлигини тиклаётган 50 нафар тиббиёт ходимига санаторий ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир кўйи-қўшиқларга уланиб кетди.

Ўз муҳбиримиз



Миллий ғоя, ватанпарварлик ҳақида гапирар экан, муаллиф 30 йилга яқин вақт бўлаётгани қарамасдан миллий масалани кўпгина жабҳаларида аниқ қарорларимиз, тарих, тил, имло, этник луғат, олий таълим-у маориф соҳаларидаги эскича тутум, давлат ва жамият бўғинларида, илм-фан ва сиёсатда хорижий тилдан фойдаланишимиз маънан тўлиқ мустақил бўла олганимизни кўрсатиб турибди, дея таълим соҳаси ва она тилимизга бўлган муносабатимизни қайта кўриш лозимлигини таъкидлайди. Танқид нихоятда кескин, аччиқ, лекин ҳақиқатдир.

Тилимиз софлигини сақлашда, унинг амалда ижросини таъминлашда, энг аввало, жамоатчилик фаол бўлиши лозим. Бундан ташқари муваффақиятга эришиб бўлмаслиги кундай равшан. Афсуски, жамоатчиликнинг бошини қовуштирадиган, воқеаларга муносабатини шакллантирадиган маҳалла, ҳокимият органларининг ва бошқа тегишли ташкилотларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги туфайли муаллиф ачинаш билан таъкидлаганидек,

Ёниқ қалб даъвати

олис Зафарободнинг чекка бир овулида иш юритаётган ошхона пештоқиға «Мы открылись» ёзуви илб қўйилмоқда.

Мақолани ўқир экансиз, бундан атиги 3-4 йил аввал тасаввурга ҳам сиймайдиган оламшумул воқеалар, кундалик турмушимизда гўёки қилиб бўлмайдигандек туюлган рўшноликлар амалга оширилганини ҳис этасиз. Лекин Юртбошимизнинг Ватанини бой, обод, халқни фаровон қилиш учун жаҳон тажрибасидан улгу олиб, иқтисодий «сақраш»ларга эришиш, ягона миллий мақсудга ва миллий ғоя остида миллатни бирлаштириб, жаҳонга танитиш борасидаги улкан фаолияти туфайли юзага келаётган ўзгаришларни айрим юртдошларимиз мудроқ кайфиятда қаршилаётганини муаллиф ички бир безовталик, қуюнчақлик билан ёзади.

«Эр хотин ногирон, уч бола ногирон. Йигирма йил уйсиз саргардон кешишган. Шунча йил уларнинг ичидан ўтган аламни, дард-у ситамни билган йилда, билмаган латифасини айтиб юраверди. Шу оилага Сергелидан шинан уй берилди. Ҳамма шароити бор, теким. Эр-хотин хурсандчиликдан йиғлайди, болалар ота-оналарни юпатишга уринишади... Бундай оилалардан мингларига уй берилди. Миллионлаб одамларнинг қалбида нур милтиради».

Мақоладаги ушбу сатрларни ўқир эканман, Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чо-

ра-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг вилоятда ижросини таъминлашда кўрганларим кўз ўнгимда жонланади. Имкониятсизлик, етишмовчилик, қаровсизлик туфайли ёши ўндан ошиб, суннат қилинган болалар, нон ушатилиб, тўйлари йилдан-йилга орта сурилган келин-куёвлар, ижарама-ижара уйсиз юриб, уйли бўлган ночор оилалар Президентимизнинг бу мурувватини бутун авлодлари билан эслаб ўтиши аниқ. Бундан ортиқроқ эзгулик бўлмаса керак ҳаётда.

Мазкур қарорга асосан биргина Қашқадарё вилоятидаги 63 нафар муҳтож оила уй-жой билан таъминланди, 523 та оиланинг турар жойлари таъмирлаб берилди. 180 нафар эҳтиёжманд фуқароларнинг соломатлиги тикланди. 2715 та оила маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. 543 нафар боланинг суннат тўйи, 73 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Ота-оналари ишлаганлиги, моддий қийинчилик туфайли ушбу тўйлар йиллар давомида кечиктириб келинган. Ушундан мен Президентимизнинг жойлардаги аҳолини чуқур билганлиги учун мазкур қарорни қабул қилганлигига амин бўлган эдим.

Бугун Ўзбекистонимизнинг янги қиёфаси яратилмоқда. Барча соҳаларда бошланган ислохотлар ўзининг самарасини бера бошлади. Халқаро ҳамжамият, жаҳондаги таниқли сиёсатшунослар, экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг жадид ривожланаётгани, ислохотларнинг


ижобий натижалари эътироф этилаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишламоқда. Жамиятда халқимизнинг сиёсий фаоллиги, эртанги кунга, ислохотлар муваффақиятига ишончи ортаётганлигини эса алоҳида таъкидлаш лозим.

Ватанимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги, одамларимиз маънавиятидаги ижобий ўзгаришлар, Президентимиз раҳнамолигида бошланган ислохотларнинг ёрқин натижалари, ўзининг меҳнати, ақлий салоҳияти, эзгу ишлари билан мактаб яратётган оловқалб юртдошларимиз, уларнинг ҳис-туйғулари ҳақида газетхонлар қалбига эзгулик уруғини сепувчи, айримларни мудроқликдан уйғотувчи ёниқ сўзга йўғрилган мақолалар керак.

Ҳозир мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни, ангиланларимиз мамлакат ҳаётидаги туб бурилиш, туб баҳолаш мумкин. Ана шу тарихий туб бурилиш палласи эса ҳар биримизни юксак масъулиятни ҳис қилиб яшашга, ишлашга, улуг аждодларимизга муносиб авлод, чин ватанпарвар бўлишга чорламоқда. Таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнги сўзимиз: Ватан!» мақоласининг туб мазмунини ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассамдир.


Исмаил ОЧИЛОВ,

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Андижон вилояти

Амалий ёрдам



Сирдарё вилояти

Муаммо ва ечим

Бирлашма бошланғич касаб ва уюшма етакчиларини нега бир жойга жамлади?

Андижон вилояти касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси ҳафтада бир бор туманларга чиқиб, барча идора ва корхоналарнинг касаб ва уюшма етакчилари билан мулоқотга киради. Навбатдаги учрашув Бўстон туманида ўтказилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси борасида айтири муаммо йўқ саломатликларини тиклаш учун санаторийга йўлланмалар вақтида ажратилаётган, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳам ўзига яраша тажрибалар қўлланилаётган бир пайтда барча касаб ва уюшма етакчиларини ёппасига чорлаб, йиғилиш ўтказишдан муддао не?

Турли ташкилотлар ходимларидан бирлашмага келаётган ариза ва шикоятлардан ҳулоса қилинишича, бошланғич касаб ва уюшма кўмита раислари ўз ваколатларини тўла англаб етмаётгандек. Айтилгич, бир ходим ассосиз ишдан бўшатилганидан норози бўлиб, бирлашмага арз қилди. Мутахассислар вазирати ўрганса, маъмуриятнинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф. Бирлашмадан ўша ташкилот раҳбарига тақдимнома йўллаётгани, «ўзингизча ташаббус қилиб ходимни ишдан озод қилишга ҳақингиз йўқ, дарҳол вазифасига тиклаб қўйинг, меҳнат қонунчилигини ҳам бир ўқиб қўйсангиз зиён қилмайди» дея. Амалдор хатосини тан олса-ку, ҳўп, аммо тақдимномани писанд қилмас-чи?

Бундай вазиятда қўриладиган чора аниқ – ходим манфаатини кўзлаб фуқаролик судига мурожаат этилади. Ишни кўраётган судьянинг биринчи саволи маълум: раҳбарнинг ходимни бўшатиш чоғида касаб ва уюшма розилигини олганими? Ро-

зилик олинган бўлса, тартиб-таомилга амал қилинганми? Аксарият низооларнинг судга етиб келишининг асосий сабаби айна мана шу нуктада кўриняпти.

Семинарда бирлашма раисининг ўринбосари Ҳамидулло Матисаев ҳамда юридик бўлим мудири Ҳабибулло Усмонов кўйи бўғин етакчиларига уқтиришдики, иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни вазифасидан четлатмоқчи, марҳамат қилиб, энг аввал касаб ва уюшма кўмитасининг фикрини олсин. Вазият кўмита аъзоларининг энг камида учдан икки қисми ҳамда тақдир ҳал этилаётган ходим иштирокида кўриб чиқирилиши шарт.

Амалиётда учраб турган ҳамда айрим бошланғичлар етакчилари тушунаётган масалалардан бири бундай: корхонанинг бўлим бошлиғи қўл остидаги ходимдан норози бўлиб, уни «кўчага қувий» лозимлиги ҳақида раҳбариятга арзнома битди. Раҳбар, ўз навбатида, хатга «фишка» қўйиб, касаб ва уюшма иштирокида кўриб чиқилсин, деган мазмунда топшириқ берди. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш керак?

Бирлашма мутахассислари таъкидлашдики, раҳбарларнинг қонунчилик талабини ўз йўриғига мослаб талқин этишига йўл қўйманг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш берувчи муайян муаммо юзасидан ходимлар вақилига расмий хат билан чиқиши шарт.

Фаолиятга оид яна бир муҳим жиҳат бор. Масалан, бошланғич кўмита раиси беш йилга сайланади. Албатта, ҳар қандай ўқувли кадр қисқа муддатда жамоат ташкилоти фаолиятига оид хат-ҳужжатлар, устав ва йўриқномалар билан ишлашнинг ҳадисини олади. Айниқса, туман ва шаҳар кенгашилари томонидан ўтказилаётган турли ўқув ва йиғинларда тажриба олиб бораверди. Аммо етакчи ваколати тугамасдан пенсияга чиқса ёки бошқа ишга ўтиб кетса, ўрнига сайланган раис ишни бир маромда, қоқилмай-туртилмай давом эттира оладими? Бу саволга ҳар доим ҳам «Ҳа!» деб жавоб бериш қийин.

Семинарда ана шундай тоифадаги касаб ва уюшма етакчиларининг иш тутуми ҳамда хат-ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Токи имкон қадар юқорида тилга олинган камчилик ва нуқсонлар бўй кўрсатмасин.

Шунингдек, келгуси йил бошида янгиланмаж жамоа шартномаларини пишиқ-пухта тузиш, имкон қадар турли имтиёзлар билан бойитиш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини кун тартибидан туширмастик, ишлаб чиқариш гимнастикасини кенг тарғиб қилиш юзасидан асосли тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида Бўстон туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касаб ва уюшма кўмитаси раиси Зўҳра Каримованинг жамоатчилик фаолиятида эришаётган ютуқлари алоҳида эътироф этилди.

Нурилло НУЪМОНОВ, «ISHONCH»

Энг муҳими – малака ўқув-семинар

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб ва уюшма Республика кенгаши тизимидаги бошланғич касаб ва уюшма ташкилотлари раислари ўқув ташкил этилди. Касаб ва уюшмаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, барча даражадаги касаб ва уюшмалари органларида фаолият олиб бораётган ходимлар ва фаолларни ўқитиш ҳамда малакасини оширишни мақсад қилган ўқув машғулотлари қизғин руҳда ўтди. Уларда «Касаб ва уюшма ташкилотларида ижро интизомини ва ҳужжатлар билан ишлашда иш юритишни ташкил этиш», «Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ва уларни касаб ва уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти», «Меҳнат муносабатларида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» каби бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Режага асосан маданий тадбир ташкил этилиб, тингловчилар Ўзбек Миллий академик драма театрига ташриф буюришди.

Ўқув сўнгида ўтилган мавзулар юзасидан тест синовлари асосида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

«Меҳнат муносабатларида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» каби бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Режага асосан маданий тадбир ташкил этилиб, тингловчилар Ўзбек Миллий академик драма театрига ташриф буюришди.

Ўқув сўнгида ўтилган мавзулар юзасидан тест синовлари асосида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Шаҳина ЖўРАЕВА, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси қошидаги Ўқув маркази касаб ва уюшма ташкилотлари маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича масъул ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

Билим ва тажриба оширилди

Федерация тасарруфидаги «Саёҳат сари» меҳмонхонасида ўтказилган ўқув-семинар бир ҳафта давом этди. Иштирокчилар семинар давомида 30 га яқин мавзуларда маърузалар тинглашди. Уларни қизиқтирган саволларга малакали мутахассис ва экспертлардан жавоблар олишди.

Ўқув вақтида тингловчилар амалий билим ва тажрибаларини бойитиш мақсадида турли ташкилот ва корхоналарда бўлиб, у ердаги илгор касаб ва уюшма ташкилотлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларга сертификат берилди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»

Талаб қаноатлантирилди

Унда маълум қилинишича, ходимнинг иш ҳақиға қўшимча устама ҳақлари тўлаб берилмаган. Ваҳоланки, ҳамширалик тоифаси борлиги туфайли ходим маълум муддат устама ҳақ олиб келган.

Мурожаат вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўрганиб чиқилиб, шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарига меҳнат қонунчилиги бузилишини бартараф этиш тўғрисида талабнома қўйилди. Тўловлар ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Натижада, иш берувчи У.Исахоновага 3 миллион 244 минг 846 сўм миқдорда устама тўлови тўлаб берди.

Ширинои УМАРАЛИЕВА,

Сирдарё вилояти касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлими мудири

Спорт

Шу йилнинг 8-12 ноябрь кунлари Перу пойтахти Лима шаҳрида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Гран-при мусобақасида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Ҳамюртларимиздан Адҳамжон Эргашев 1 та олтин ва 1 та кумуш медаль соҳибига айланган бўлса, Муаттар Набиева 2 та кумуш ва 1 та бронза, Достон Ёқубов эса 3 та бронза медалини қўлга киритди.

Юксак марралар олдинда

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Республика иختисослашган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари ҳам мусобақада юқори натижаларга эришди. Сайёрамизнинг энг кучли полвонлари иштирок этган мазкур мусобақада Достон Ёқубов ҳам совриндорга айланди. Эътиборлиси, 73 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Достон 3 та бронза медалига эга чиқди.

55 килограмм вазн тоифасида Муаттар Набиева даст кўтаришда 93 кг. кумуш, силтаб кўтаришда 111 кг. бронза ва умумий ҳисобда 204 кг. натижа билан шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мусобақада Токио Олимпиадаси учун ҳам қимматли рейтинг очколари берилди. Савриндор бўлган спортчиларимизнинг натижаларини янада яхшилаб олишди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

ЎЗИНГ МУРАББИЙСАН, ҲАЁТ

...1939 йил 16 ноябрь. Шу куни Самарқанднинг Каттақўрғонда оддий деҳқон оиласида қувончли кун бўлди. Яратган эл кайвониси Норбек отага эгиз фарзанд ато этди: Ҳасан ва Зухра. Аммо тақдир бу гўдакларга ҳали кичик чилласи чиқмаёқ, ўз зарбасини берди: падари бузруквори юрак хуружидан оламдан ўтди. Яна бир неча кундан сўнг синглиси – Зухра...

Турмушнинг аччиқ ташвишлари энди онаси Мисқол аянинг зиммасида қолди. Норасида беш гўдакни оқ юбиб, оқ тараш лозим.

Боз устига, Ҳасан эндигина тетапо қила бошлаган кезларда Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Шу билан бирга, очарчилик ҳам. Одамлар бир бурда нонга зор, шу биргина нон учун меҳнат қиладиган кунлар. Яна денг, кимдир фарзандини, кимдир турмуш ўртоғини урушга кузатаётган, кимдир «қорахат» келаётган дамлар. Аммо бир майизни қирқ бўлиб ейишган оқибатли кунлар...

Ҳасан шундай даврда эсини таниди. Меҳнатда сунга қотди. Китобни зиё билди, қорни оч бўлса-да, мактаб кутубхонасига талпинди, бу максадаги китоблар қайта-қайта ўқилиб, ёд бўлиб кетгач, туман марказига чопди. Мактабни битириб, ўқитувчилар тайёрлаш билим йўлида ўқиди. 17 ёшдан... мактабда дарс бера бошлади.

Энди ёруғ кунлар бошланган кезларда ҳаёт унга яна бор зарбасини берди: 1958 йил баҳорда онасидан жудо бўлди. Беш фарзандга, отасининг ўрнини билдирмай, аҳил, иноқ, оқил этиб тарбия берган онанинг матонати ўғил учун энг катта ҳаёт мактаби бўлиб қолди...

УСТОЗ

У ўн саккиз ёшида ҳарбий хизматга кетди. Украинага. Хизматда ҳам зиёга интилди. Ҳарбий қисм маънавият хонаси севимли масканига айланди. Энг муҳими, тил ўрганди. Мукамал. Уша пайтда ҳарбий қисмдан унинг юртига миннатдорлик хати келди. Унда шундай сўзлар битилган эди: «Сержант Ҳасан Нормуродов китоб ва газета ўқиш, мазмун-моҳиятини тушунириб беришда сафдошларига ўрнатди. Ундаги шижоат ва жўшқинликка ҳавас қиламиз». (Бу хат 1960 йил «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон»)

газетасида чоп этилган).

Уч йиллик ҳарбий хизматдан сўнг юртга қайтган Ҳасан Нормуродов Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Ўзини тутиши, ўқиши, муомаласи, энг муҳими, шижоати билан тенгдошларига намуна бўлди.

Дорилфунунни тамомлаб Каттақўрғон шаҳридаги мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Жон-у дилини бериб, билим ва тажрибасини ёш авлодга ўргатишга киришди. Қисқа вақт ичида нафақат ўқувчиларнинг, балки жамоанинг ҳам устозига қолди. Ўқитувчиликнинг нақадар шарафли ва масъулиятли касб эканлигини элга кўрсата олди.



УЛУҒЛИК ЙЎЛИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродовнинг ҳаёти ва фаолияти бирчамиз учун намуна мактабидир

Эл эътиборини қозонди.

Бир даврда Ҳасан Нормуродовни нега ҳамма «устоз», дея мурожаат қилашди, дея савол бериб қолишди. Биласизми, назаримда, Ҳасан ака, мана қарийб 65 йилки, устоз. У мана шу узоқ йиллар давомида одамларга Ватанини севиш, юрт қорига яраш, элга хизмат қилиш каби «фан»лардан сабоқ бериб келмоқда.

Ҳасан ака Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигидаги масъул вазифаларда, Жомой, Нарпай туманларида биринчи раҳбар, вилоят раҳбарининг ўринбосари, халқ таълими бошқармаси, касаба уюшма ташкилотларида раҳбар лавозимларида ишлаган кезларида ўз салоҳиятини тўла намоен этди ва кўпчиликка устозлик қилди.

Давраларда устоз ҳақида сўз кетганда, фидойилик ва жонқуярлик билан қилган ишлари, оқиллик билан берган маслаҳатлари мамнуният билан тилга олинади.

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ
Президентимиз самарқандлик фаоллар билан бўлиб ўтган

бир учрашувда кишини мушоҳада юриштига ундовчи фикрларни билдирди:

«Ҳар бир раҳбар бугун ўзига мен жамиятга нима наф келтирялман, халқимнинг яхши яшаш учун нима қила олдим, деган саволни бериши керак. Даврни тушунган, давлат сиёсатини, ўз бурчини англаган, ўз виждонига қўлоқ солган, ҳалол, покиза инсонларгина ўзига бундай саволни бера олади. Мен Ҳасан Нормуродовичи ана шундай инсон сифатида қадрлайман. Бундай одамлар ёнимизда кўп бўлишини истайман».

Ҳасан Нормуродов 2003 йилдан буюн «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Вилоятда Ҳасан аканинг қадами тегмаган бирор ташкилот ёки таълим-тарбия маскани йўқ. «Бизнинг ташкилотимиз кексалар манфати учун ишлайди», дея идорада ўтирмайди. Доим одамлар орасида бўлиб, эл-юрт ташвиши билан юради.

Вилоят ҳокимлиги қошида тузилган жамоатчилик кенгашининг раҳбари сифатида шу ёшда ҳам иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демасдан қишлоққа-қишлоқ, маҳалла-маҳалла юради. Ҳар бир хонадон эшигини таққиллатишдан, одамлар фикр-у ўйларини тингладан ўзини олиб қочмайди.

ЭЛ ДАРДИДА

Бир сўхбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ҳақида сўз борди. У киши биргина Са-

марқанд вилоятидаги бунёдкорлик ишларини бирма-бир санаб берди.

– Бунинг ҳаммасини илғаш, ҳис қилиш учун тоза юрак, буюк қалб эгаси бўлиш лозим, – деди у. – Бундай улкан бунёдкорлик ишлари чоғида бепарқ қараб бўладими, ахир. Юрт обод бўлмоқда. Унда хисса қўшмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

«Олдингизга муаммо билан келган инсонни умидсиз қайтарманг. Сиз у учун охириг умид манзили бўлиши мумкин». Ҳасан Нормуродовнинг бу ҳикмати сўзларини бугун кўпга шогирдлари ўзининг фаолият ширини айланттирган.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тўтган, халқ ташвишини ўз дардига айлантирган инсоннинг ҳар бир сўзи ҳикмат.

Тан олиш керак, хизматчилик, ҳаётнинг турли ташвишлари, дейимиз-у баъзан ҳафта-лаб қўлимизга китоб ололмаймиз. Аммо Ҳасан ака бундан мустасно. У киши ҳар кун китоб ўқиш одатини қанда қилмайди. Балки шундангир, қувва ҳо-физалари шу қадар кенги, бир бора мулоқотда бўлган кишини исмини неча йилдан кейин

ҳам адашмасдан айтиб бера олади.

Бир гал Ҳасан ака истиқомат қилаётган Самарқанд шаҳридаги «Теракзор» маҳалласида бўлган ишда маҳалла аҳли бу инсонга қаттиқ суюниб қолганини эшитдик.

– Маҳалладаги барча тўй-маъракалар, маросимлар ва бошқа жамоат ишларида ҳам оқсоқолими фазол, – дейди маҳалла раиси Шавкат Ғуломов. – Ишлари ҳар қанча кўп бўлмасин, маҳалладан ердამини аямайди. Қўни-қўшилар учун ҳам ҳаммаша вақт топанган. Ҳар гал учраганимизда маҳалла юмушларидан четда қолиб кетмайлик, дейди.

Жонқуяр раҳбар, моҳир педагог Ҳасан Нормуродов мамлакатимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Ўз касби, ҳалол ва фидойи меҳнати ортдан элда обрў топди, ҳурмат қозонди.

– Ҳаётимда эришган ютуқларим учун ота-онамдан миннатдорман, – дейди қалби ифтихорга тўлиб. – Отам элнинг кайвониси бўлган. Гарчи, менга ҳаётда тарбия беролмаган бўлса-да, қонимда у кишининг юртга бўлган меҳри жўш уради. Онам эса меҳнатдан, ҳалолликдан бир умрлик сабоқ бериб ўтдилар. Улар бугунги дориламон кунларни кўрмади, шу армон билан ўтишди. Шукрки, биз меҳнати қадрланадиган замонда яшаймиз. Озгина меҳнатинг юксак қадрланса, бу рағбатдан кўнгил бадам тоғдек ўсар экан. Биз ана шундай кўнгил тоғ одамларимиз.

Дарҳақиқат, Ҳасан Нормуродовнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, «Меҳнат шукрати», «Эл-юрт ҳурмати», «Дўстлик» ордени билан таърифланди.

Ҳасан Нормуродовнинг кўп йиллик умрининг қарийб 65 йиллини жўшқин меҳнат, юртга, халққа ҳалол хизмат қилиш билан ўтказётган донишманд инсон Ҳасан Нормуродовнинг босиб ўтаётган ҳаёт ва фаолият йўли бир мақола учун камлик қилади. Бу ҳақда ҳар бир саҳифаси ҳикматга тўла китоблар битса, арзийди.

Ҳасан ЭРМАТОВ,

«Олтин қалам» XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиби

Ҳуқуқий тарғибот

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ унинг асосий принциплари нима?



Тез орада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов жараёни бўлиб ўтади. Унда сиёсий партияларнинг номзодлари халқаро қонунчилик талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекс асосида курашади. Мазкур кодекснинг асосий принципларини ҳар бир фуқаро билиши шарт. Чунки улар нафақат сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида, балки фуқаролик бурчини амалга оширишда ҳам жуда асқотад.

Сайлов жараёни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари ҳисобланади.

Сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Фуқаролар жинси, irqий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотнинг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

Ошкоралик принципи – бу сайловларнинг очикдан-очик, сайлов вақти ва овоз бериш жойлари олдиндан эълон қилинган ҳолда ўтказилиши ва унинг бориши ҳамда натижалари ҳақида ахборот берилиши тушунилади. Ҳар бир фуқаро сайловларнинг бориши ҳақида хабардор бўлишга ва ўзининг сайловчилар рўйхатига кирганлигини текширишга ҳақли.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят кенгашлари ва шаҳар кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи 30 та сайлов округлари ҳамда сайлов участкалари мазкур принциплар асосида иш юритади.

Назар ҚАРШИБОВ,
Ғулистон шаҳар сайлов комиссиясининг раиси ўринбосари

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«КО‘СНМАС MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти очик аукцион савдосига таклиф этади.

I. 2019 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинадиган очик аукцион савдоларига «NEFTGAZQURILISHTA‘MIR» акциядорлик жамиятининг 12.11.2019 йилдаги 6/NG-311-сонли буюртма-хатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA‘MIR» АЖга қарашли «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Амрибод кўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 59680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 4388,6 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар, шундан сотиладиган умумий ер майдони 900,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 724,0 кв.метрдан иборат Маъмурий бино қисми ва «4-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидаги умумий ер майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2474,9 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлари кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 2 471 764 000 (Икки миллиард тўрт юз етмиш бир миллион етти юз олтиш тўрт минг) сўм.

2019 йил 17 декабрь куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 24 декабрь ва 30 декабрь кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 17 декабрь кунидида савдо учун 16 декабрь кунига қадар, 2019 йил 24 декабрь кунидида савдо учун 23 декабрь кунига қадар, 2019 йил 30 декабрь кунидида савдо учун 28 декабрь кунига соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик)

II. 2019 йил 19 ноябрь куни соат 11:00

да ташкил қилинадиган такрорий савдоларга «NEFTGAZQURILISHTA‘MIR» акциядорлик жамиятининг 24.09.2019 йилдаги 6AP-249-сонли буюртма-хатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA‘MIR» АЖга қарашли «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Амрибод кўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 59680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 4388,6 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар: шундан сотиладиган умумий ер майдони 32000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 365,1 кв.метрдан иборат (ҳаммом, ҳожатхона, қозонхона биналари ва КС-10 русумли қозонлов қран, 1602 метр темир йўл, 270 п.м. девор) қисми такроран кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 1 503 705 000 (Бир миллиард беш юз уч миллион етти юз беш минг) сўм.

2019 йил 19 ноябрь куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 26 ноябрь ва 3 декабрь, 10 декабрь, 17 декабрь, 24 декабрь кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 19 ноябрь кунидида савдо учун 18 ноябрь кунига қадар, 2019 йил 26 ноябрь кунидида савдо учун 23 ноябрь кунига қадар, 2019 йил 3 декабрь кунидида савдо учун 2 декабрь кунига қадар, 2019 йил 10 декабрь кунидида савдо учун 9 декабрь кунига қадар, 2019 йил 17 декабрь кунидида савдо учун 16 декабрь кунига қадар, 2019 йил 24 декабрь кунидида савдо учун 23 декабрь кунига соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик)

Аукцион савдосига иштирок этиш истагида талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «КО‘СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МФО: 00452, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000900759233001.

«Аукцион ташкилотчиси» – «КО‘СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. Тел: +998 90 299-82-92. E-mail: mkmfi@mail.ru

Лицензия № RR-0297

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Водийнефтьгазичитаминот» МЧЖнинг 12.11.2019 йил кунги буюртма хатига асосан Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Зарарик» МФЙ, Фарғона кўчасида жойлашган, ер участкасининг майдони – 1100,40 кв.м. бино ва иншоотлар қурилиш эгалланган умумий майдони – 310,97 кв.м., режа бўйича: 0005-литердаги кондитер цехи, 0006-литердаги шийпондан иборат «Маъмурий бино ишлаб чиқариш цехлари ва оғборларни» бино-иншоотларининг бир қисми кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 32 609 131 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 16 декабрь кунги соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 13 декабрь соат 17:00.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг нусхаси тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига за-

катат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотуви билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖнинг Фарғона минтақавий филиали ҳисобрақамига (банк: «Трастбанк» Фарғона филиали, ҳ/р:2020 8000 3004 3360 1012, МФО:01123, СТИР: 303 179 580) тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) МЧЖ аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик кимощди савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул кўшнлари 7531 ҳарбий қисмига қарашли бўлган бунёдкорлик объектларидан олнган, эски, мuddати ўтган хар хил турдаги (ишт 12 000 дона, бетон плиталар 34 дона, металл стоб: 3 дона, балки ж/б стропильный 5 дона, туба асбестоцементный 20 метр, тротуар 100 метр) эски қурилиш моллари макмуу ҳолда қўйилмоқда.

Бошлангич нархи – 21 764 165 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 3-, 17-, 24 декабрь кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Мазкур мулклар 2019 йил 3 декабрь кунги аукцион савдоларида сотилиши қонун тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилиши маълум қилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси савдога қатнашиши учун юзга келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини КТИАСнинг ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000904923477001, Банк: АТБ «Ипотека банк» Шайхонтоқур филиали, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимощди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда тўхта-тилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Хизматлар лицензияланган.

Ислоҳ Қаримов номидagi Тошкент давлат техника университети томонидан 2016 йилда Чориев Улугбек Собирович номига берилган №1742 рақамли рейтинг дафтарида Иўқоланглиги сабабли беқор қилинади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Қашқадар вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоалари Қашқадар вилояти касаб

Мангу ҳилпирайвер, Ватан байроғи!



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳар қандай лашкарнинг ҳам
Ўз туғи, ялови бор,
Сен қайси салтанатдан,
Сен қайси давлатдан кам.
Кўрғонлар қаторида
Бир кўрғонсан устувор,
Валлама, туғдор юртим,
Муҳташам Республикам.

Ўйлайман, ҳа, оламда
Нисбий эрур кўп ҳолат,
Замона галвиридан
Ҳар нарса ўтаверар.
Тарих учун ва лекин
Ким ҳам берай кафолат,
Якка инсон бир йўли:
Келар-у кетаберар.

Қадим-қадим замонда
Юнонлик ҳайкалтарош,
Бир санъат яратибди,
Мақсади – бир бурда нон.
Ҳайкал эса асрлар
Синовига бермиш дош,
Бугун уни кўларга
Кўтарар буткул жаҳон.

Кўзни каттароқ очиб

Боқсанг бу муаммога,
Алам қилгулик қадар
Кам яшар инсон зоти,
Фақатгина халқ соҳиб
Бардавом бу дунёга,
Асрагай ҳар кас номин
Фақат халқнинг ҳаёти.

Санасанг ҳодисот мўл
Ўзбекининг тарихида,
Ҳар бирига бир нома
Ўки достон битгулик.
Не зотлар оқмаган бу
Асрлар ариғида,
Ҳар бири битта халқнинг
Ҳурурига етгулик.

Барчага аён эрур
Мен айтган ушбу гаплар,
То ҳануз асабларни
Эзгилар бу шум ўтмиш.
Мозийга ўқтин-ўқтин
Сочаск ҳамки ғазаблар,
Лекин айтинг, ўзбекининг
Қўлидан ким ҳам тутмиш?

Бир куни ёвқур шоир
Яъни Турди Фароғий,
Бўлмас бўлган бу халққа
Бўлмас деб қилди хитоб.
Бежавоб қолаберди
Унинг дардли сўроғи,
Ўша-ўша замин кар,
Ўша-ўша гунг офтоб.

Бугун зимдан назар сол
Сен мана бу байроққа,
Майлига бир дақиқа
Унутгин турфа кекни.
Шу байроқ номимизни
Этди йироқ-йироққа,
Шу байроқ бирлаштирар
Қайда бўлса ўзбекни.



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Юрт байроғин ҳар жойга,
Кўнглинга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичинга кетсин кириб.
Токи ғаним – ватанхўрлар,
Олломасинлар суғуриб.

Шундай ўрғат қулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Кимга дашт бошпана, кимгадир гулдор,
Ҳар кимнинг сиғинган саждагоҳи бор.
Ҳар ҳовуч турроғи кўза тўтиё,
Биз учун қадрдон шу азиз диёр.

Ўпинг, кўзингизга сурунгу тупроғин,
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.
Қаданг юракларга миллат байроғин,
Ватанни Наҳмиддин Кубродек севинг.

Кўнглимнинг гавҳари шу азиз маскан,
Фидодир ҳамisha унга жон-у тан.
Оталар ҳимматин ёди маъшали,
Оналар оқ сўти ҳурмати – Ватан.

Ўпинг, кўзингизга сурунгу тупроғин,
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.
Қаданг юракларга миллат байроғин,
Ватанни Наҳмиддин Кубродек севинг.



Абдусайд КЎЧИМОВ

Озод мамлакатимнинг муҳташам кўрғонида,
Довқур бобларимнинг армонли арқонида
Турон, қадим Туркистон, улуг юрт осмонида,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
**Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!**

У – адолат, коинот, обиҳаёт тимсоли,
Эзгу ният, шараф-шон, бахт-у сурур баҳори,
Соҳибқирон бобомнинг туғи каби серелли,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
**Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!**

Тинчлик, тириклик рамзи – мовий, яшил, оқ ранглар,
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,
Эрк қўшиғи қиличдек ярим ойда жилвагар,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
**Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!**

Қайга борсам, қошимда, юлдуз бўлиб порлагай,
Вужудимни самовий юксакларга чорлагай,
Ватан, миллат, халқимнинг шонини алёрлагай,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
**Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!**

Отаётган ҳар бир тонг, янги замон тонгидир,
Ҳар фасл бизга янги, ҳар кун янги-янгидир,
Кўкдаки қуёш мангу – қуёш каби мангудир,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
**Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!**

Буюк лаҳзалар

Ҳар куни ишдан сўнг пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти жойлашган бино яқинидаги бекатда автобус кутаман. Рўпарадаги баланд тутқичга байроқ ўрнатилган. Ҳар доим ҳилпираб, қалбга сўрур бахш этади.

Узоқ қараб тураман, қараган сайин туйғуларим юксалаётгандай... Йўқ, тўғрироғи, кўксимдаги юрагим баландлаб учаяётганга ўхшайди. Бир гал саф тортиб бораётган қўшлар байроқ олдида келганида бирдан доира тортишди-да, икки-уч бор айланиб яна йўлларида давом этишди. Ёнимдаги ҳамроҳимга:

– Қушларни инстинкт бошқаради, дейишади. Уларда ҳам ақл бўлади, шекилли, байроғимизни ёнлаб ўтиб кета олишмади, десам...
У:
– Зиёрат қилишди, зиёрат... – деди.
Ҳамроҳимнинг кўнглимдан кечаётганларини сезганига биром суюндим. Байроқ билан боғлиқ бундай қувончларни тез-тез дилимдан ўтказаман. Айниқса, бирор хоржий давлатда ғолиб-лигимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганда... Айниқса, ғолиб ўлғонимиз ёки қизимиз байроғимизни боши узра кўтариб чопганида...
Бундай шуқули дамларга гувоҳ бўлганимда юрагим кўксимга сизгай кетаётгандек гулдиллаб ура бошлайди. Хаёлимда она юртимнинг байроғи Ўзбекистон қадар улканлик касб этиб кетади.

Кейинги йилларда бундай қувончи ва ҳаяжонли лаҳзаларни бизга боқсчиларимиз бир неча бор ҳада қилишди. Байроғимиз юксалган шарафли онлар бор-йўғи бир неча дақиқагина давом этган бўлса-да, бир неча йилларга етулик фахр ҳиссини барчамизга юқтирди. Бундай ҳаяжонли онлар ёшларни, умуман, ҳар биримизни ҳам Ватан рамзига қалбан яқинлаштиради, унинг қудратини теранроқ ҳис этишимизга

имкон беради. Фахр, ғурур туйғулари билан бирга бурч, шу бурчни адо этишга интилиш уйғонади юрагимизда. Байроқ олдида қарздорлик сезимиз ўзимизда. Чунки унинг орқасида бутун бошли бир миллатимиз, халқимиз турибди...

Бир кинода кўрганим бор: боқсчилар томонидан маҳв этилган шаҳарча ёшлари тунда бир неча уйлarning тепасига ўзларининг байроқларини олиб чиқишади. Эрталаб боқсчилар байроқларни йиғиштира бошлаганда уларни кўриб қалбда озодлик соғинчи уйғонган шаҳар аҳолиси жунбушга келади. Қўлига илинган нарса билан қурашга киради, шаҳардан боқсчиларни қувиб чиқаришади. Мана, байроқнинг кучи!

Шукрим, тинч замонда, шиддатли янгилашлар даврида яшаймиз. Мақсадимиз улуг: буюк халқ бўлмоқчимиз, бунинг учун бизга жуда катта руҳий қувват керак. Ҳар биримизнинг юрагимизда бир байроқ қадар фахр-ифтихорга тўла, байроқ қадар қадрдан зийнатланган бир шахс уйғониши зарур.

Раҳматли шоиримиз Машраб Бобоевнинг «Кўнгли кўчалари» сериалида бир эпизод бор: Бир йигит нуфузли идорага келиб ходимга:

– Иморат тепасидаги байроқ ўралиб қолибди, шунга тўғрилаб қўйинглар, илтимос, – деса, ўша ходим:
– Сиз кимсиз, бизнинг томдаги байроқ билан нима ишингиз бор? – дея эътироз билдиради.
Шукрим, бугун биз бу боқсқичдан ўтдик. Бугун одамларнинг тафаккури ҳам тозармоқда. Шукрим, шарафли ҳилпираб турган байроғимиз ва уни севадиган, қадрлайдиган ватанпарвар юрагимизнинг бир бутунлик касб этадиган лаҳзалари келди...

Қутлибека РАҲИМБОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Боримсан, борлиғимсан...

Бадиҳа

У менга илк бор ғурурдан сабоқ берган эди. ...Ушанда негадир ўзимни абгор ҳолатда ҳис қилардим. Эндигина ниш ура бошлаган майсаларнинг ҳам бахтиёрлик ила самога қўл уза таётганини кўрар, аммо ҳеч нимани ҳис қилмасдим. Нигоҳларим ердан узилмасди.

Шунда тўсатдан ажиб бир овозни эшитдим ва бошимни кўтариб тепага қарадим. Унда бир жуфт оқ кабутар мовий осмон узра гўёки рақса тушарди. Шу-шу бўлди-ю мовий рангни қалбимга жо қилганча интилишни ўргандим. Тун келди. Унинг қоп-қора бахмалдек бағридан ҳилол жилва билан боқар, ён-атрофидоғи юлдузларнинг, айниқса, ўн иккитаси ўзгача ярақлар, кўзни оларди. Бу файласуфна гўзаллик қаршида бош эгиб, ғурурни туйдим. Сурурни туйдим...

Кейинги гал уни умуман бошқача қиёфада кўрдим. У гўёки шиддат, куч-ғайрат мисоли эди. Ранги томирларимизда оқаётган қон мисоли қизил, вазифаси ҳам гўёки шундай эди. У бор жойда ёшлик шижоати пайдо бўлар, кишилар бир-бирига қалбан яқинликни ҳис қилар, ажиб бир тафдан юзларга ҳам қизиллик қирарди. Бу юракларга муҳаббатдан ҳам юксакроқ туйғу бахш қиларди. Мен уни ҳамisha, ҳамма ерда маҳкам тутиб қолишни истадим. Истадим-у, шу онда фахр ҳиссини ҳам туйдим. Фахри баланд бу туйғунини қизил рангда дилимга жо қилдим...

Энди мен самимийликни,

Гули НИГОР

покликни излашни бошладим. Ахир, бу ҳаётимнинг дастуруламали бўлмоғи, мени мудом тўғри йўлга бошлаб бормоғи лозим эди. Файза, покизаликка йўрилган бу ҳиссиёт менинг дунёимда оқ рангда, оппоқ таётганини кўрар, аммо ҳеч нимани ҳис қилмасдим. Нигоҳларим ердан узилмасди.

Шунда тўсатдан ажиб бир овозни эшитдим ва бошимни кўтариб тепага қарадим. Унда бир жуфт оқ кабутар мовий осмон узра гўёки рақса тушарди. Шу-шу бўлди-ю мовий рангни қалбимга жо қилганча интилишни ўргандим. Тун келди. Унинг қоп-қора бахмалдек бағридан ҳилол жилва билан боқар, ён-атрофидоғи юлдузларнинг, айниқса, ўн иккитаси ўзгача ярақлар, кўзни оларди. Бу файласуфна гўзаллик қаршида бош эгиб, ғурурни туйдим. Сурурни туйдим...

Кейинги гал уни умуман бошқача қиёфада кўрдим. У гўёки шиддат, куч-ғайрат мисоли эди. Ранги томирларимизда оқаётган қон мисоли қизил, вазифаси ҳам гўёки шундай эди. У бор жойда ёшлик шижоати пайдо бўлар, кишилар бир-бирига қалбан яқинликни ҳис қилар, ажиб бир тафдан юзларга ҳам қизиллик қирарди. Бу юракларга муҳаббатдан ҳам юксакроқ туйғу бахш қиларди. Мен уни ҳамisha, ҳамма ерда маҳкам тутиб қолишни истадим. Истадим-у, шу онда фахр ҳиссини ҳам туйдим. Фахри баланд бу туйғунини қизил рангда дилимга жо қилдим...

Энди мен самимийликни,

Гули НИГОР

Ғурур

Митти ҳикоялар

Институтимиз олдидаги байроқ кучли шамол натижасида ерга йиқилди. Ўша ердаги 4-5 нафар болалардан бири келди-ю, байроқни кўтармоқчи бўлди. Аммо оғир экан. Мен ҳам етиб бордим. Болалардан бири эса деди:
– Кўй, нима қилсан, ерда ётаверсин, барибир яна йиқилади.
Менинг жаҳлим чиқди. Байроқни иккала ердан кўтардик ва тик қилдик.
– Байроқ ерда ётмиши эмас, ҳавода ҳилпирашини наҳот билмайсан. Байроқ бу – Ватан-ку!..
Муҳиддин НУР

Ғолиб шайх

Тарих

Андоқки, шаҳодатдин сўнгра ўн киши айира олмайду ва ул парчамни кесиб айирдилар. Ва баъзи дебдурларки, Ҳазрат Мавлоно Жалолуддин Румий ғазалиётда ишорат бу қиссага ва ўз интиқо-бини Ҳазрат Шайхқа қилиб дебдурки,
Рубоий:
Биз кўлга қадаҳ олувчи улугвор кишилармиз.
Ориқ эчкиси билан қолган қашшоқлардан эмасмиз.

Ва Шайх Наҳмуддин Розий ва Шайх Жамолуддин Гилий. Ва баъзи дебдурларки, Мавлоно Баҳоуддин Валадки, Ҳазрат Мавлоно Жалолуддин Румийнинг волиди бўлмай, ҳам алардиндур. (Унинг, Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин, шаҳид бўлган санаси – етти юз ўн еттинчи йил).
Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан олинди.

1. Шайх Наҳмиддин Кубро
2. Туғ, Байроқ.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2016-5008
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоysi келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Irota bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКХД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳиш:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуналиялов

ЎА яқуни — 22:15
Топширилди — 00:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бюортма Г — 1117.
27551 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5